




Газета 1966 йил
1 июндан
чиқа бошлаган

ШАҲАР ИЖТИМОЙ-СИЁСИЙ КУНДАЛИК ГАЗЕТАСИ

№ 50 (12.361)

Баҳоси эркин нарҳда



Ўзбекистон Савдо-саноат палатасида «Ўзбекистон ижтимоий масъулиятли фуқаролари форуми» муассасаси жамоатчилик кенгашининг навбатдаги йиғилиши бўлиб ўтди.

2013 йил — Обод турмуш йили

ОБОДОНЛАШТИРИШ ОЙЛИГИ ДАВОМ ЭТМОҚДА

Тадбирда Ўзбекистон Касаба уюшмалари федерацияси кенгаши раиси Т.Норбоева, Савдо-саноат палатаси раиси А.Шайхов, «Ўзбекистон ижтимоий масъулиятли фуқаролари форуми» муассасаси директори А.Хўжаева, Ўзбекистон Электрон оммавий ахборот воситалари миллий ассоциацияси бошқаруви раиси Ф.Абдухаликов ва бошқалар Президентимиз Ислон Каримов раҳнамолигида аҳолини кучли ижтимоий ҳимоялаш, боқий аънава ва кадриятларимизни асраб-авайлаш, мазмун-моҳиятини ёшлар ўртасида тарғиб этишга алоҳида эътибор қаратилаётганини таъкидлади.

«Ўзбекистон ижтимоий масъулиятли фуқаролари форуми» муассасаси фаолиятида ҳамюртларимизнинг ижтимоий, тадбиркорликка оид гоё ва ташаббусларини қўллаб-қувватлаш, уларни амалга ошириш учун ақиндан қўмаклашиш масаласи устувор ўрин тутди.

Наврўз байрами арафасида мазкур жамоат ташкилоти томонидан мамлакатимизнинг Қорақалпоғистон Республикаси, барча вилоятлар ва Тошкент шаҳрида «Ўзбекистон — менинг уйим» шиори остида ободонлаштириш ойлиги ўтказилмоқда. Жорий йилнинг 20 февралдан бошланган ушбу ижтимоий лойиҳа доирасида мева, манзарали дарахт кўчатлари ва гуллар ўтказилиб, боғлар барпо этилмоқда.

Айни пайтда ойлик доирасидаги «Ойдин кўчалар» акцияси кўча ва хиёбонларга чироқлар ўрнатиш имконини бераётган бўлса, «Қариларга минг эъзоз» акцияси давомида ёши улуг, ёлғиз кексалар ҳолидан хабар олиниб, уларга уй-рўзгор юмушларида яқиндан қўмаклашилмоқда. Наврўз байрамига бағишлаб, Саховат уйлари, ихтисослаштирилган шифо масканлари, маҳалаларда нурунийлар учун маърифий тадбирлар, концерт ва кўргазмалар ташкил этилмоқда.

Он-лайн тартибда ўтган йиғилишда Тошкент, Сирдарё ва Жиззах вилоятларида мазкур ойликнинг бориши атрофлича муҳокама этилди.

Назokat УСМОНОВА,
ЎЗА мухбири

Фармон ва ижро

САНОАТ КООПЕРАЦИЯСИНING САМАРАЛИ МЕХАНИЗМИ

Президентимиз Ислон Каримовнинг 2007 йил 12 ноябрда қабул қилинган «Ички тармоқ ва тармоқлараро саноат кооперациясини янада кучайтириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармониға мувофиқ ташкил этилаётган Халқаро саноат ярмаркаси ва Кооперацион биржа яқинда мамлакатимизда ўз ишини бошлайди.

Бугун Ўзбекистоннинг иқтисодий модели ҳақи равишда дунёда энг барқарор ва жадал ривожланиб бораётган моделлардан бири сифатида эътироф этилмоқда. Бундай натижаларга эришишда мамлакатимизда таркибий туб ўзгаришларни фаол давом эттириш, муҳим тармоқларни модернизация қилиш, техник ва технологик янгилаш, ишлаб чиқариш ҳамда ижтимоий инфратришлари, айниқса, қишлоқ жойларда жадал ривожлантириш, шунингдек, юртимиз ишлаб чиқарувчилари, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш орқали замонавий, диверсификация қилинган ва рақобатбардош иқтисодиётни шакллантиришга доир амалга оширилаётган чора-тадбирлар муҳим омил бўлмоқда.

Натижада мамлакатимизда сўнгги йилларда макроиқтисодий барқарорлик ва юқори иқтисодий

ўсиш суръатлари таъминланаётди. Масалан, 2012 йилда мамлакатимиз ялпи ички маҳсулоти 8,2 фоизга, саноат ишлаб чиқариш ҳажми 7,7, қишлоқ хўжалиги 7, чакана савдо айланмаси 13,9 фоизга ошди. Экспортчи корхоналар фаолиятини рағбатлантириш, янги ташқи бозорларни топиш ва ўзлаштириш, экспорт таркибини диверсификация қилиш экспорт ҳажмининг 11,6 фоизга кўпайишини таъминлади.

Бу борада саноат ва бутун иқтисодиётни ривожлантиришнинг самарали воситаси бўлган саноат кооперациясига алоҳида эътибор қаратилмоқда. Шу боис, Халқаро саноат ярмаркаси ва Кооперацион биржани ўтказишдан мақсад хўжалик юритувчи субъектларга ишлаб чиқаришни оптималлаштириш, ички тармоқ ва тармоқлараро кооперацияни мустаҳкамлаш ҳамда ривожлантириш, истеъмолчиларни мамлакатимизда ишлаб

чиқарилаётган маҳсулотлар ҳақида кенг хабардор қилиш, шериклар топиш, юртимиз ишлаб чиқарувчилари билан ўзимизда тайёрланган маҳсулотларни, жумладан, экспортга етказиб бериш учун шартномалар тузишга қўмаклашишдан иборат.

— Мамлакатимиз корхоналари ва хорижий шерикларнинг саноат кооперациясига, товарлар етказиб бериш соҳасида ҳамкорлик ўрнатиш ва ривожлантириш, янги турдаги маҳсулотлар ишлаб чиқаришни йўлга қўйиш ва ўзлаштиришга қизиқиши йил сайин ортиб бормоқда, — дейди Халқаро саноат ярмаркаси ва Кооперацион биржа дирекцияси директори А.Мурсалиев. — Масалан, мазкур ярмарка ва биржага қўллаб-қўриқий мамлакатларнинг компаниялари вакиллари, савдо-саноат палаталари делегациялари ҳам ташриф буюради.

(Давоми 2-бетда)



ЖИНОЙ ДАРОМАДЛАРНИ ЛЕГАЛЛАШТИРИШГА ҚАРШИ КУРАШИШ БОРАСИДАГИ ХАЛҚАРО ҲАМКОРЛИК

Тошкентда жиноий даромадларни легаллаштириш ва терроризмни молиялаштиришга қарши курашиш соҳасида янги стандартларни ўрганишга бағишланган халқаро семинар иш бошлады.

Тадбир Европада хавфсизлик ва ҳамкорлик ташкилоти (ЕХТ), Жиноий даромадларни легаллаштиришга қарши курашиш бўйича молиявий чораларни ишлаб чиқувчи гуруҳ (ФАТФ), Жаҳон банки, Халқаро валюта жамғармаси, Евроосиё гуруҳи (ЕОГ) ҳамда Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси ҳузуридаги Солиқ, валютага оид жиноятларга ва жиноий даромадларни легаллаштиришга қарши курашиш департаменти ҳамкорлигида ташкил этилди.

ФАТФ — ҳукуматлараро ташкилот бўлиб, унинг асосий мақсади келиб чиқиши ноқонуний маблағлар ва даромадларни легаллаштиришга қарши курашишга қаратилган сиёсатни, яъни халқаро стандартларни ишлаб чиқиш ва барча давлатларни уларга амал қилишга даъват этишдан иборатдир.

Бугунги кунда жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга қарши курашишда жаҳон амалиётининг таҳлили асосида бу борадаги қонунбузарликларни содир этиш механизмларини аниқлаш ҳамда ушбу ишларни тақомиллаштириш бўйича тавсиялар жамланиб, халқаро ҳужжат сифатида ФАТФнинг қирқта тавсияси ишлаб чиқилган ва бу тавсиялар 2012 йилда қабулланган. БМТ Хавфсизлик Кенгашининг 2005 йил 29 июлдаги 1617-сонли Резолюциясида барча давлатларга ФАТФнинг ушбу тавсияларига амал қилиш белгиланган.

(Давоми 2-бетда)



«Ташаббус — 2013»

ШАҲАР БОСҚИЧИДА МУНОСИБЛАР ҚАТНАШАДИ

Мамлакатимизнинг бошқа ҳудудларида бўлгани каби шаҳримизда ҳам «Ташаббус — 2013» кўрик-танловининг туман босқичлари бўлиб ўтмоқда. Шундай тадбирнинг навбатдагиси Сергели ва Ўтунсодоб туманларида кўтаринки руҳда ўтказилди.

Бу йилги танловларда намоийш этилаётган маҳсулотлар орасида халқ амалий санъати ва бадий хунармандчилик буюмларига кенг жой ажратилмоқда.

— Танловнинг шаҳар босқичига қизиқиш ният қилиб келган эдим, мана мақсадимга етдим, — дейди Сергели туманида «Энг яхши хунарманд» номига сазовор бўлган Шодиёна Турдалиева. — Кейинги йилларда давлатимиз раҳбари ва ҳуку-

матимиз томонидан миллий хунармандчилигимизни ривожлантиришга қатта эътибор қаратилмоқда. Мана бундай тадбирлар хунармандларнинг ўз истеъдодини намоийш этиши билан бирга соҳа ривожига ҳисса қўшишида муҳим ўрин тутмоқда.

Сергели туманидаги тадбиркорлар орасида «Toshkent-singer» компанияси биринчи ўринни эгаллади. (Давоми 2-бетда)



МАМЛАКАТИМИЗДА

• Урганч шаҳрида Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг Мудофаа ва хавфсизлик масалалари қўмитаси, Ички ишлар вазирлиги йўл ҳаракати хавфсизлиги бош бошқармаси ҳамда Ўзбекистон Автомобиль ва дарё транспорти агентлиги билан ҳамкорликда «Йўл ҳаракати хавфсизлиги соҳасидаги қонунчилик ва унинг ижроси самарадорлигини ошириш масалалари» мавзусида семинар ташкил этилди.

• Ўзбекистон Республикаси Президентининг саврини учун аънавий тарзда ўтказиб келинаётган «Ташаббус» кўрик-танловининг Навоий шаҳар босқичи ниҳоясига етди. Унда қарийб 30 нафар тадбиркор ҳамда қўли гул хунарманд ўз маҳсулотлари билан иштирок этди. Танлов якунида турли номинациялар бўйича голиблар аниқланиб, уларга вилоят босқичида қатнашиш учун йўлланмалар берилди.

• Гулистон шаҳрида миллий спорт ўйинлари бўлиб ўтди. Болалар ва ўсмирлар спорт мактаби тарбияланувчилари иштирок этган мусобақада ўзбек миллий спорт ўйинларининг нақадар серқирра экани яна бир бор намоён бўлди. Ёш спортчилар томонидан намоийш этилган арқон тортиш, етти тош, қараб теп, кураш каби миллий ўйинлар тадбир қатнашчиларида катта таассурот қолдирди.

• Нурота тумани марказидан қарийб юз километр узоқликда жойлашган Қўктепа қишлоғида «Сардор Жавоҳир» қурилиш ташкилоти томонидан 152 миллион сўм эвазига уч километрлик сув қувурлари ётқизиши билан аҳолининг тоза ичимлик суви таъминоти яхшиланди.

• Мирзаобод туманидаги Фанишер Юнусов номи суви истеъмолчилари уюшмаси ҳудудида жойлашган «Баҳористон» қишлоқ врачлик пунктига «Samlex-800» русумли куёш батареялари ўрнатилди. Бу ангиликнинг қўлланилиши билан муассасадаги барча замонавий тиббиёт ускуналаридан самарали фойдаланиш ва аҳолига юксак малакали хизмат кўрсатиш имконияти юзага келди.

ЖАҲОНДА

• Австралиянинг жануби-шарқий ҳудудларида тинимсиз ёққан ёмғир сув тошқинларини келтириб чиқарди. Табиий офат оқибатида 9 киши ҳаётдан қўз юмган, яшаётган манзилларига олиб борадиган йўللار фойдаланишга яроқсиз аҳволга келиб қолганлиги боис 20 минг киши ташқи дунёдан узилиб қолган. Шунингдек, қўллаб турар жой биноларини сув босган, электр тармоғида узилишлар рўй берган.

• Хитойнинг шарқий соҳилларидаги Шаньдун ярим оролида кўмир ташувчи кемада ёнғин рўй берди. Панама давлати байроғи остида ҳаракатланаётган кемада 4 минг тонна кўмир бўлган. Ёнғин эса унинг машина бўлимидан чиққан. Фожиа юз берган вақтда кемада 15 кишидан иборат экипаж аъзоси бўлган. Улар вақтида кемани тарқ этишга улгуришган ва хитойлик кутқарувчилар ёрдамида қуруқликка чиқиб олишган.

• «Shell» нефть компаниясининг Нигериядаги бўлинмаси ҳисобланмиш «SPDC» компанияси «Nembe Greek» нефть қувурлари уюшган жиноятчи гуруҳлари томонидан ноқонуний тешилиб, нефть ўғирлиги содир этилаётганлиги сабабли ушбу қувурнинг ёпилиши мумкинлигини маълум қилди. Яъни, ушбу нефть қувурларидан бир кеча-кундузда 150 минг баррель нефть оқиб ўтаётган бўлса, унинг 60 минг баррели ўғирланмоқда. Қувурларнинг тешилиши эса атроф-муҳит экологиясига салбий таъсир кўрсатмоқда.

ҚИСҚА САТЛРЛАРДА

Тошкент шаҳар ҳокимлигининг Ахборот хизмати ва ўз мухбирларимиз хабарларидан.

✓ **БУГУН** Миллий матбуот марказида «2012-2015 йилларда республикада озик-овқат саноатини

ривожлантириш ва уни янада такомиллаштириш борасида белгиланган чора-тадбирлар ҳамда устувор вазифалар» мавзусида матбуот анжумани ташкил этилди.

✓ **БУГУН** Учтепа туманидаги 23-оилавий поликлиникада «Она ва бола саломатлиги йўлида» масаласига бағишланган давра суҳбати уюштирилди.

✓ **ЭРТАГА** Миллий матбуот марказида «ОАВнинг иқтисодий эркинлиги ва молиявий барқарорлигини таъминлашда фуқаролик жамияти институтларининг ўрни ва роли» мавзусида тадбир ўтказилади.

Самарқанддаги Амир Темур мақбарасидан узоқ бўлмаган жойдан Руи Гонсалес де Клавихо деб номланган кўча ўтади. Ушбу ноанъанавий кўшниччилик илдиэларини XV аср бошларидаги ўзбек-испан дипломатия алоқаларидан қидириш лозим. Айнан шу пайтда буюк давлат арбоби Амир Темур саройига Кастилия ва Леон қироли Энрике III эль Долиентенинг элчиси Руи Гонсалес де Клавихо бошчилигидаги делегацияси юборилган эди.

Ушбу дипломатия миссияси машҳур тарихшунос олим, Мадриддаги Масофавий таълим миллий университети профессори Луис-Рехино Матео дель Перальнинг ўзбек-испан дипломатия алоқалари тарихи ва Ўзбекистоннинг мустақиллик йилларида эришган муваффақиятлари, шунингдек, мамлакатимизнинг барқарор иқтисодий тараққиёти ва бой сайёҳлик салоҳиятига бағишланган тақдиротдаги маърузасида батафсил ёритилди.

Ўзбекистоннинг Испаниядаги дипломатия миссияси ва Мадриддаги Кастилия Ла-Манча мустақил жамияти ҳамкорлигида ташкил этилган мазкур тақдирот маросими чоғида унинг иштирокчилари Испания илмий жамоатчилиги вакиллари билан маърузаларини тинглаганла-

ЎЗБЕК — ИСПАН АЛОҚАЛАРИ: МОЗИЙГА БИР НАЗАР

ри баробарида Ўзбекистон ҳақидаги ажойиб ҳужжатли фильм намойишидан баҳраманд бўлдилар.

Тақдирот ўтказилиши муносабати билан Испаниянинг машҳур нашрларидан бири «Эль Мундо» газетасида профессор дель Перальнинг «Қирол Энрике III элчиси Самарқанддаги Амир Темур саройига» сарлавҳали мақола-си чоп этилди. Унда муаллиф Клавихони ўз даврининг муҳим шахсларидан бири бўлганлигини ва унинг элчилик миссиясини муҳим тарихий аҳамиятга эга эканлигини эътироф этди.

Мақолада қайд этилишича, Самарқандга делегация

«Трастамара сулоласининг энг доно беш подшоҳи»дан бири - кастилиялик Энрике III томонидан юборилган. Қирол ўз фуқаролари муҳаббати ва ҳурматини қозонган, адолатли ички ва ташқи сиёсат олиб боргани ҳолда дунё давлатлариаро ўзаро алоқаларни йўлга қўйган ва бундай муносабатларни қўллаб-қувватлаган.

Миссия таркибига Клавихо билан бирга лотин, араб, юнон ва форс тилларини мукаммал эгаллаган роҳиб ва диншунос Фрай Алонсо де Сантамария Паес ҳамда қирол тансоқчиси Гомес де Салазар киритилган. Саёҳатчилар 1403 йил 23 майда Ка-

дис яқинидаги Муэлас бандаргоҳидан жўнаб кетишган ва 1406 йил 24 март кунги Алькала-де-Энарес шаҳрига қайтиб келишган.

Амир Темур кастилиялик элчиларни юқори эътибор билан қарши олган. Клавихо Самарқандда ярим йилга яқин истиқомат қилган ва у катта ҳурмат қозонган.

Маълумки, Ўрта Осиёга мазкур саёҳат тасвирланган ҳамда халқимизнинг ҳаёт тарзи ва урф-одатлари тафсилотларини ўзида муҳрланган элчининг кундалиги бугунги кундаги энг қизиқарли тарихий манбалардан бири ҳисобланади. Ҳозир ушбу кундалик Мадрид Миллий кутубхонасида сақланади.

Унинг саёҳат йилномасини машҳур тарихчи Гонсало де Арготе 1582 йилда чоп этди ҳамда Амир Темур ва

унинг ҳузурида ким ёлгон гапирса ўз рангини ўзгартирувчи тош ўрнатилган сеҳрли узуги ҳақидаги афсоналардан бири тўғрисида эслатиб ўтади. Клавихо Испания гўзаллиги ҳақида усталик билан ҳикоя қилган вақтда тош рангини ўзгартирмаган ва бу ҳукмдорга манзур бўлган.

Испанияга қайтиши билан Клавихо ўзининг буюк дипломатия хизматлари туфайли довруғ қозонади ва Энрике III эль Долиентенинг алоҳида илтифотида сазовор бўлади.

Клавихо ўрта асрларда Мадриднинг маркази бўлган Пласа-де-ла-Паха майдонида истиқомат қилган. Ҳозир бу ерда XVI асрда бунёд этилган муҳташам Варгаслар саройи ва епископ ибодатхонаси мавжуд. Бугун қирол элчиси яшаган қарвонсаройдан асар ҳам қолмаган бўлса-да, унинг муваффақиятли элчилиги миссияси Ўзбекистон — Испания дипломатия алоқалари тарихига зарҳал ҳарфлар билан битилган.

«Жаҳон» АА
Мадрид

САНОАТ КООПЕРАЦИЯСИНING САМАРАЛИ МЕХАНИЗМИ

(Давоми. Боши 1-бетда)

Таъкидлаш жоизки, ўтган йили ҳудудий ва тармоқлар саноат ярмаркаларида 2,6 мингдан зиёд корхона қатнашди. Бу 2011 йилга нисбатан 25 фоизга кўп. Иштирокчилар стендларида намойиш этилган 15 минг турдан ортқ маҳсулотларнинг 825 тури мутлақо янги товарлар эди. Мазкур тадбирлар якунлари бўйича 2012 йилда ички бозорга қиймати 402,9 миллиард сўмлик, экспортга 266,6 миллион долларлик маҳсулот етказиб бериш учун қарийб 1,1 минг шартнома тузилди.

VI Халқаро саноат ярмаркаси ва Кооперацион биржанинг кузги босқичида мамлакатимизнинг 1100 дан ортқ корхонаси иштирок этди. Уларнинг 850 таси машина ва автомобилсозлик, электр техника, қурилиш саноати, металлургия, кимё, нефть-кимё, озиқ-овқат ва енгил саноат, фармацевтика каби саноат соҳаларида фаолият кўрсатаётган кичик бизнес ҳамда хусусий тадбиркорлик корхоналари эди. Улар томонидан ички ва ташқи бозорга маҳсулот етказиб бериш бўйича 2011 йилга қараганда 1,36 баробар кўп шартнома имзоланди.

Хорижий иштирокчилар сони ҳам кўпайганини қайд этиб ўтиш жоиз. Мисол учун, VI Халқаро саноат ярмаркаси ва Кооперацион биржага дунёнинг 51 давлатидан хорижий компания ва ташкилотларнинг минг нафардан ортқ вакили ташриф буюрди. Натижада қиймати 5,2 миллиард долларга тенг экспорт шартномалари тузилди ва бу 2011 йилга нисбатан 1,32 баробар кўпдир.

Бу галги Халқаро саноат ярмаркаси ва Кооперацион биржа ҳам гоят қизиқарли бўлади ҳамда уларда мамлакатимиз ишлаб чиқарувчилари, истеъмолчиларга ва хорижий компаниялар эътиборига қўллаб-қўллагичлар ҳавола этилади. Мазкур тадбирларга Вазирлар Маҳкамасининг шу йил 22 февралда қабул қилинган «2013 йил Халқаро саноат ярмарка ва Кооперация биржасини ташкил этиш ва ўтказиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорига биноан пухта тайёргарлик кўрилмоқда.

Анъанага кўра, жорий йилда ҳам Саноат ярмаркаси ва Кооперацион биржа икки босқичда ўтказилади: биринчи босқич — ҳудудий ва тармоқлар саноат ярмаркалари, иккинчи босқичда Халқаро саноат ярмаркаси ва Кооперацион биржа ўтказилади.

Ҳудудий саноат ярмаркалари 2013 йилнинг март ойи ўрталаридан майгача мамлакатимизнинг 14 ҳудудиди бўлиб ўтади. Тармоқ саноат ярмаркалари эса май ойининг бошида бошланиб, июнь ойининг ўрталарида нихосига етади. Халқаро саноат ярмаркаси ва Кооперацион биржа 2013 йилнинг 29 октябрдан 2 ноябргача ўтказилади. Уларда коммунал соҳа, транспорт, капитал қурилиш ва қурилиш саноати, машинасозлик, электр техника, авиация саноати, маҳсулотларни стандартлаш масалалари бўйича комплекслар корхоналари, шунингдек, геология, ёқилғи-энергетика комплекси, кимё, нефть-кимё, металлургия саноати, қишлоқ ва сув ҳўжалиги, қишлоқ ҳўжалик маҳсулотларини қайта ишлаш, истеъмол товарларини ишлаб чиқариш, маданият, таълим, соғлиқни сақлаш, ижтимоий муҳофаза қилиш, ахборот тизимлари ҳамда телекоммуникация корхоналари иштирок этди.

Биринчи босқич доирасида кичик ва йирик корхоналар нафақат ўз маҳсулотларини намойиш этиш, балки ишлаб чиқаришга доир техник янгиликлар, ҳамкор тармоқлар ва корхоналар имкониятлари билан танишиш, ишлаб чиқарилаётган материаллар ҳамда бутловчи буюмларга бўлган яқин истиқболдаги эҳтиёжни аниқлаш имконига эга бўлади. Ҳудудий тадбирлар нихосига етган, иштирокчилар янги турдаги саноат маҳсулотларини ўзлаштириш учун ахдлашув шартномаларини тузади.

Иккинчи босқичда эса ушбу ахдлашувлар маҳсулотлар етказиб бериш шартномаларига айлантирилади ва ишлаб чиқарувчиларнинг келаси йилги буюртмалар портфелини ташкил этади. Ушбу икки босқич ўртасидаги даврда корхоналарда янги турдаги маҳсулотларни ишлаб чиқариш ўзлаштирилади, маҳсулотларнинг тажриба намуналари тайёрланади, буюртмачилар билан келишган ҳолда, ўзлаштирилаётган маҳсулотнинг техник параметрлари талаб даражасига етказилади.

Бўлажак ярмаркалар доирасида мамлакатимизнинг етакчи саноат корхоналари кооперация имкониятларини янада тўлиқ тасаввур қилиш учун ўтказилади. Ҳудудий тадбирларда ҳамкорлик тақдиротларида янги тақдиротларда ишлаб чиқарилган маҳсулотларнинг рақобатдошлилигини янада ошириш ва товарларни республикага ноқонуний олиб киришга қарши курашнинг кучайтириш тўғрисидаги Қарорига асосан ташкил этилади.

Халқаро саноат ярмаркаси ва Кооперацион биржа дирекциясидан маълум қилишларича, бу йил иштирокчилар ва бу ерга ташриф буюрувчиларни янгилик кутмоқда — улар Халқаро саноат ярмаркаси ва Кооперацион биржанинг асосий тадбирларини тўлдирадиган истеъмол товарлари ярмаркаси билан ҳам танишиш имкониятига эга бўлади. Тақдиротларимиз раҳбарининг 2013 йил 29 январда қабул қилинган «Мамлакатимизда ишлаб чиқарилган маҳсулотларнинг рақобатдошлилигини янада ошириш ва товарларни республикага ноқонуний олиб киришга қарши курашнинг кучайтириш тўғрисида»ги Қарорига асосан ташкил этилади.

Мухтасар айтганда, Халқаро саноат ярмаркаси ва Кооперацион биржа ишлаб чиқарувчилар ва истеъмолчиларнинг самарали ўзаро ҳамкорлиги учун муҳим воситага айланади, иштирокчилар ва ташриф буюрувчиларга корхоналар тақдиротлари, уларнинг техник ҳамда технологик имкониятлари, қўлга кири-таётган ютуқлари билан танишиш, ўзаро тажриба алмашиш имконини беради. Улар ахборот алмашинуви ҳамда тақдирот маросимлари ёрдамида, шубҳасиз, янги турдаги товарларни ўзлаштириш учун кооперация алоқаларини кенгайтиради, ишлаб чиқариш учун зарур ҳомаёш ва материаллар, ишлаб чиқариш-техник йўналишдаги бутловчи ҳамда тайёр буюмларни етказиб бериш бўйича шартномалар тузади.

М.МАМЕТОВА,
ЎЗА мухбири



ШАҲАР БОСҚИЧИДА МУНОСИБЛАР ҚАТНАШАДИ

(Давоми. Боши
1-бетда)

«Ташаббус»да иштирок этишни истовчи тадбиркор ва хунармандларимиз сони йилдан йилга ортиб бормоқда, — дейди Ўзбекистон Республикаси Савдо-саноат палатаси Тошкент шаҳар ҳудудий бошқармасининг Юнусобод тумани филиали раҳбари Дилбар Зайнутдинова. — Ўтказилаётган бу тадбир тадбиркорлик ва хунармандчиликни ривожлантириш, ташаббускор ҳамюртларимизни ҳар томонлама қўллаб-қув-

ватлаш, уларнинг эзгу интилишларини амалга оширишида катта роль ўйнамоқда.

Танлов якунига кўра Юнусобод туманида «Энг яхши тадбиркор» номинациясида «Билал полвон» хусусий корхонаси ғолиб деб топилди. «Энг яхши хунарманд» номига эса Замира Жўраева эга бўлди.

— Мазкур танлов биз, тадбиркор ва хунармандларнинг интилиш ва истеъдодимизни намойиш этишида жуда кўл келмоқда, — дейди Юнусободдаги «Билал полвон» ху-

сусий корхонаси раҳбари Абдуллажон Қосимов. — Танлов ишлаб чиқариш ва миллий хунармандчилигимиз ривожига катта ҳисса қўшади. Эришган ютуғимиз корхонамиз жамоаси зиммасига янада кўпроқ масъулият юклайди. Тумандаги энг яхши корхона сифатида бундан-да сифатли маҳсулот ишлаб чиқаришни олдимизга мақсад қилиб қўйдик.

Ғолиб ва совриндор бўлган тадбиркор ҳамда хунармандлар танлов тақдиротлари ва бошқа ҳолий тақдиротлар томонидан эсдалик совғалари билан тақдирланди.

Абдуалим САЛИМОВ
Ислом Исмоилов
олган суратлар

Қарор ва ижро

ТАДБИРКОРЛИКНИ ҚЎЛЛАБ-ҚУВВАТЛАШ ЙЎЛИДА

Бу борада Ўзбекистон Савдо-саноат палатасининг Тошкент шаҳар бошқармаси томонидан ҳам муайян ишлар бажарилмоқда. Жумладан, тадбиркорларга Президентимизнинг тегишли фармон ва қарорлари мазмун-моҳиятини тушунириш, уларнинг ҳуқуқий билим ва малакасини ошириш, фаолияти ривожига тўсқинлик қилаётган муаммоларни бартараф этишга қаратилган семинарлар ва давра суҳбатлари ташкил этилмоқда.

Бектемир туманида бўлиб ўтган семинарда ҳам туманда ишлаб чиқаришга илғор технологияларни кенг жалб этиш, тадбиркорларга кредитлар ажратиш, экспортдош маҳсулотлар ишлаб чиқаришни кўпайтириш, янги иш ўринлари яратиш каби масалалар атрофида муҳокама этилди.

Семинарда Ўзбекистон Савдо-саноат палатаси раиси Алишер Шай-

Мамлакатимизда давлатимиз раҳбарининг 2011 йил 7 январда қабул қилинган «Ўзбекистон иқтисодиётида амалга оширилаётган ислохотлар қўламини кенгайтириш ва чуқурлаштириш бўйича 2011-2015 йилларга мўлжалланган чора-тадбирлар дастури тўғрисида»ги Қарори ижроси юзасидан кенг қўламли ишлар амалга оширилаётди.

хов, Бектемир тумани ҳокими Сарвар Маҳаматов ва бошқалар мамлакатимизда Президентимиз ва ҳукуматимиз томонидан тадбиркорлик субъектларини ҳар томонлама қўллаб-қувватлашга алоҳида эътибор берилаётгани, бу борада қабул қилинган қатор фармон ва қарорлар соҳа ривожига хизмат қилаётганини алоҳида таъкидлади.

Йиғилишда тадбиркорлик субъектларида учраётган муаммоларнинг назорат қилувчи орган ва идоралар томонидан тезкорлик билан ҳал этили-

шини таъминлаш, уларнинг фаолиятини ривожлантиришга ҳар томонлама кўмак бериш каби масалалар ҳусусида сўз юритилди.

— 2012 йил мобайнида шаҳар ва туманлар жамоатчилик кенгашлари, ҳокимликлар, адлия, солиқ, божхона, ёнғин хавфсизлиги идоралари ва бошқа мутасадди ташкилотлар билан ҳамкорликда икки юздан ортқ семинар ташкил этилди, — дейди Ўзбекистон Савдо-саноат палатаси Тошкент шаҳар бошқармасининг тадбиркорлик ва бизнесни ривожлантириш

истикболлари бўлими бошлиғи Бекзод Ибрагимов. — Шундан назорат органлари билан биргаликда 96 та, жамоатчилик кенгаши иштирокида 37 та, тадбиркорлар билан бевосита 88 та учрашув ўтказилди. «Ишонч телефони»лари орқали бўлаётган оғзаки мурожаатларга жамоатчилик кенгашлари томонидан амалдаги қонунчилик асосида тушунтиришлар бериб берилмоқда.

Бундан ташқари, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ва Тошкент шаҳар ҳокимининг тадбиркорликни янада ривожлантириш, уларга қўлай бизнес муҳити яратишга қаратилган қарорлари асосида бир қатор ишлар қилинмоқда. Тадбиркорлик субъектларига хорижий давлатларда ташкил этилаётган кўргазма ва ярмаркаларда иштирок этиш, ишлаб чиқарган маҳсулотларини экспорт қилиш, газ, электр энергияси ва коммуникация тармоқларига уланishi, тижорат банклари томонидан имтиёзли кредитлар олиш бўйича амалий ёрдамлар беришмоқда.

Тадбир иштирокчилари ўзларини қизиқтирган саволларга мутахассислардан жавоб олди.

Абдували СОДИКОВ

Халқимиз тинчлик ва хотиржамликни юксак қадрлайди. Зотан, бу улус неъматлар барқарор жойдагина тараққиёт бўлади, бунёдкорлик ишлари ривож топади. Президентимиз Ислон Каримов раҳнамолигида мамлакатимизда тинчлик ва осойишталикни таъминлаш, инсон манфаатларини ҳимоя қилиш борасида амалга оширилаётган улкан ишлар замирида ана шу эзгу мақсад мужассам.

Наврўз айёми арафасида юртимиз янада гўзал қиёфа касб этмоқда. Юртимизда қад ростлаётган замонавий иншоотлар, ҳушманзара масканлардан кўзингиз қувнайди. Қарерга борманг бунёдкорлик, ободончилик ишларининг гувоҳи бўласиз. Мамлакатимизда эришилаётган бундай ютуқлар, ҳаётимиздаги юксалишлар Ватанимизда ҳукм сураётган тинчлик ва осойишталик мевасидир.

Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги Патруль-пост хизмати ва жамоат тартибини сақлаш бош бошқармаси бошлиғи, полковник Ковилхон НАКИБОВ Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги – ЎЗА муҳбирига Наврўз арафасида бу борада олиб борилаётган ишлар тўғрисида қуйидагиларни гапирди берди:

– Президентимиз Ислон Каримов Ватанимиз тинчилиги ва осойишталигини таъминлаш, халқимиз фаровонлигини изчил юксалтиришга алоҳида эътибор қаратиб келмоқда. Зеро, тинчлик ва осойишталик ҳаётимизнинг барча жабҳаларида эришаётган улкан ютуқларимизнинг асоси, келажакимизнинг мустаҳкам қафолатидир, – дейди К.Накибов. – Дунёнинг турли минтақаларида рўй бераётган терроризм, турли можаролар ва бошқа ноҳуш ҳодисаларга теран нигоҳ билан қарашимиз, ҳамиша огоҳ ва сезгир бўлмоғимиз лозим. Буни Ватанимизда яшаётган ҳар бир фуқаро чуқур англаши, юртимиз тинчилиги ва барқарорлигини янада мустаҳкамлашга ўз ҳиссасини қўиши осойишта ҳаётимизнинг мустаҳкам қафолати бўлиб хизмат қилади.

Мамлакатимизда Наврўз байрамини муносиб нишонлаш учун катта тайёргарлик ишлари олиб борилмоқда. Одамийлик, меҳр-оқибат, мурувват ва ҳиммат каби буюк умуминсоний қиймати осойишта ҳаётимизнинг мустаҳкам қафолати бўлиб хизмат қилади.

Наврўз умумхалқ байрами шодиёналари тинч, осойишта, юксак савияда ўтишини таъминлаш мақсадида вазирлигимиз томонидан ҳам кенг қамровли чора-тадбирлар режаси ишлаб чиқилиб, изчил амалга оширилмоқда. Хусусан, байрам кунлари жамоат тартибини сақлаш, йўл ҳаракати ва ёнғин хавфсизлигини таъминлаш ҳамда фавқулодда вазиятларнинг юзага келишига йўл қўймаслик мақсадида ички ишлар идора-

лари ходимлари кенг жамоатчилик билан ҳамкорликда фаол иш олиб бормоқда.

Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва пойтахтимизнинг ҳар бир гушаси, айниқса, байрам тадбирлари ўтказиладиган жойлар соҳа ходимларининг алоҳида эътиборида. Хавфсизликни таъминлашга қаратилган кенг қамровли «Тозалаш» тадбири давом эттирилмоқда. Тадбир давомида аниқланаётган камчиликлар, ҳуқуқбузарликлар бартараф этилаётди.

Ҳар бир оила, маҳалладаги тинчлик ва осойишталик бутун мамлакатда бу неъмат барқарор бўлишининг муҳим омилдир. Шу боис бу тадбирларда ма-

«Наврўз — 2013»

ТИНЧ ВА ОСОЙИШТА ЮРТГА БАЙРАМЛАР ЯРАШАДИ

ҳаллий ҳокимликлар, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари ва жамоат ташкилотларининг яқин ҳамкорлиги йўлга қўйилган. Профлакттик ишларнинг самарадорлигини янада ошириш мақсадида маҳаллалар, ташкилотлар ва ўқув муассасаларида шу кунгача минглаб учрашувлар ўтказилди, оммавий ахборот воситаларида чиқишлар ташкил этилмоқда.

Ички ишлар идораларининг асосий вазифаларидан бири – фуқароларнинг паспорт-виза қоидаларига амал қилишини таъминлашдан иборат. Бу борада фуқароларни доимий ёки вақтинчалик рўйхатдан ўтмасдан яшаш ҳолатларини аниқлаш, чет эл фуқаролари ва фуқаролиги бўлмаган шахсларнинг республикамиз ҳудудида бўлиш қоидаларига амал қилиши алоҳида назоратга олинган.

Ёнғин хавфсизлигини таъминлаш ҳам осойишталикнинг муҳим омилларидандир. Шу боис аҳоли пунктлари, иқтисодиёт тармоқлари ва ижтимоий соҳа объектларида ёнғин хавфсизлигини таъминлаш тадбирлари янада кучайтирилган. Соҳа ходимлари томонидан аҳоли ўртасида ёнғин хавфсизлиги қоидаларига риоя этиш юзасидан тушунтириш ишлари муттасил олиб борилмоқда. Тегишли идоралар билан ҳамкорликда хонадонлар, ташкилот ва корхоналарда тек-

ширишлар ўтказилиб, аниқланган камчиликлар бартараф этилмоқда.

Ҳуқуқбузарликларнинг олдини олишда маҳаллаларда фаолият кўрсатаётган профилактика инспекторларининг муҳим ўрни бор. Мамлакатимиздаги милиция таянч пунктларида хизмат қилаётган профилактика инспекторларининг самарали фаолияти натижасида жорий йилнинг ўтган даврида кўплаб маҳаллаларда бирорта ҳам жиноят содир этилишига йўл қўйилмади.

Турли мафқуравий хуружлар ёшлар онги ва маънавиятига таҳдид солаётгани ҳар биримиздан ҳушёр бўлишни талаб этади. Айниқса, ёшларимизни гиёҳвандлик балосидан асраш муҳим аҳамиятга эга. Жорий йилнинг февраль ойда ўтказилган «Ёшлар орасида наркотик воситаларнинг тарқатилишига қарши кураш» олийги доирасида наркотик воситаларини тарқатиш, сотиш ва истеъмол қилиш ҳолатларининг олдини олиш, бу турдаги жиноятларни содир этаётган шахсларнинг фаолиятига чек қўйиш юзасидан зарур чора-тадбирлар амалга оширилди.

Мамлакатимизда транспорт воситаларининг сони ва йўлларда ҳаракат жадаллиги йил сайин ўсиб бормоқда. Бу йўлларда ҳаракат хавфсизлигини таъминлаш, йўл-транспорт ҳодисаларининг олдини олиш, фуқароларнинг ҳаёти ва соғлиги, мол-мулкни ҳимоя қилиш юзасидан олиб борилаётган ишларни кенгайтиришни тақозо қилади. Шу боис йўл ҳаракати хавфсизлигини таъминлаш мақсадида йўл-патруль хизмати назорати янада кучайтирилди.

Фуқароларнинг доимий ҳушёрлигини ошириш мақсадида маҳаллаларда, корхона, ташкилот ва ўқув муассасаларида огоҳликка қорловчи тадбирлар, «Ўз уйингни ўзинг асра» мавзuida учрашув ва суҳбатлар ташкил этилаётгани ҳам муваффақиятлар омили бўлаётди. Соҳада олиб борилаётган бундай кенг қўламли чора-тадбирлар юртимизда осудаликнинг омили бўлиш билан бирга жиноятчиликнинг сезиларли даражада камайишига хизмат қилмоқда. Хусусан, ушбу йўналишда олиб борилган ишлар натижасида жиноятчилик 2012 йилнинг шу даврига нисбатан қарийб 8 фоиз камайди.

Осойишта юртда юксалиш бўлади, фаровон элдан хотиржамлик кетмайди. Бу олижаноб мақсадлар ички ишлар идоралари ходимлари зиммасига улкан масъулият юклайди. Айни пайтда осуда ҳаётини янада мустаҳкамлаш, жамиятимизда қарор толган ўзаро ҳурмат, меҳр-оқибат ва ҳамжиҳатликнинг қадрига етиш, асраб-авайлаш барчамиз учун ҳам қарз, ҳам фарз-дир.

Бехзод НОРБОВ
ёзиб олди

Қадим-қадимдан ота-боболаримиз сувни исроф қилиш, уни ифлослантириш мумкин эмаслигини ўқтириб, ариққа қараб супурмаслиқни, сувни ниҳоятда тежаб ишлатишни таъкидлаб келганлар. Ҳамиша дуога қўл очганларида Яраткандан бошқа фалоқатлар қаторида сув балосидан асрашини сўрайдилар. Бу, албатта бежиз эмас.

Пойтахтимизда 105 та канал ва ариқлар мавжуд бўлиб, ҳар йили баҳорги-ёзги мавсумда Тошкент шаҳри ҳудудидан оқиб ўтувчи сувларни хавф-хатарсиз ўтказиб юбориш ҳамда сув тошқини хавфининг олдини олиш бўйича тошқинга қарши шахар комиссияси мутасадди ташкилотлар билан ҳамкорликда аҳолини фавқулодда вазиятлардан ҳимоя қилиш мақсадида қатор ишларни амалга оширади.

СУВ ТОШҚИНИ ХАВФИНИНГ ОЛДИНИ ОЛИШ БОРАСИДАГИ ИШЛАР

Мамлакатимиз Президентининг 2012 йил 7 февралдаги «2012 йилда сел-тошқинлар ва ер қўқни ҳодисалари билан боғлиқ фавқулодда вазиятлардан Ўзбекистон Республикаси аҳолиси ва ҳудудларини ҳимоя қилиш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги Қарори-га мувофиқ ўтган йили асосий устувор вазифалар ва кечиктирмай амалга оширилиши лозим бўлган ишлар қўлами белгиланиб олган. Туманлар кесимида текзор штаблар ташкил этилиб, пойтахт ҳудудидан оқиб ўтувчи ҳар бир канал ва ариқнинг тегишли паспорти ишлаб чиқилган. Туман «Йиғма механизация отрядлари»нинг, шахар фуқаро муҳофазаси хизматларининг туну кунлик навбатчилиги йўлга қўйилган бўлиб, уларга жами 751 нафар шахсий таркиб ва 263 та махсус автомобиль, муҳандислик техника воситалари жалб қилинган. Туман «Йиғма механизация отрядлари»нинг бошлиғи этиб, туман ҳокимининг биринчи ўринбосари – Тошқинга қарши туман комиссияси раислари ташкилланган, уларга доимий шай ҳолатда бўйланган ва фавқулодда вазият содир бўлган ҳудудга 1 соат ичида етиб келишлари юзасидан йўриқномалар берилган.

Тошкент шахар Фавқулодда вазиятлар бошқармасидан олинган маълумотларга кўра, пойтахт ҳудудидан сувларнинг беталафот ўтиб кетишига тўқсинлик қилувчи канал ва ариқларнинг қирғоқ бўйларига ҳеч қандай рухсатсиз, ўзбошимчалик билан ноқонуний қурилган иншоот ва иморатлар ўрганиб чиқилган. Олиб борилган рейдлар давомида канал ва ариқларнинг қирғоқларида амалдаги қонунийлик талабларига зид равишда 326 та қўшимча қурилмалар аниқланган, уларнинг 284 таси бузиб ташланган, хонадон эгаларига нисбатан 46 та тақдимономалар киритилган, ҳудудий туман судларига 26 таси бўйича чора кўриш учун ҳужжатлар юборилган. Санитар нормаларга риоя қилиш бўйича жойларда олиб борилган ташвиқотлар кучайтирилганлигига қарамай, шахар аҳолиси томонидан сув ҳавзаларини ифлослантирувчи 244 та ноқо-

нуний қурилмалар мавжудлиги аниқланган ва барчаси бартараф этилган. Тошкент шаҳри сув тошқини хавфининг олдини олиш бўйича амалга оширилган ишлар натижасида сув билан боғлиқ табиий хусусиятли фавқулодда вазиятларга йўл қўйилмаган.

Жорий йилда ҳам тегишли идора ва ташкилотлар ҳамда кенг жамоатчиликни жалб қилган ҳолда канал ва коллекторларни тозалаш, қирғоқларини мустаҳкам-

лаш, қайнама сувлар туби ва ўзанларини маиший чиқиндилардан тозалаш ишлари жадаллаштирилган. Сувларнинг беталафот ўтиб кетишига тўқсинлик қилувчи каналлар қирғоқ бўйи муҳофаза зонасига ўзбошимчалик билан қурилган иншоот ва иморатлар мутасадди ташкилотлар томонидан ўрганиб чиқилиб, уларни бузиш ва амалдаги қонунийлик талабларига ҳолатга келиши бўйича чоралар қўрилмоқда. 1 мартдан бошлаб туманларда «Йиғма механизация отрядлари» навбатчилиги ташкил этилди. Март ойидан барча туманларда махсус-тактик ўқув машқлари ўтказилди. Ҳозирда «Салор» каналдаги 50 та қоникларсиз ҳолат, «Бўзсув» канали қирғоқ бўйи муҳофаза зонасига рухсатсиз қурилган 24 та қурилмани қонуний тартибга келтириш, шахар бўйлаб жами 190 та ўзбошимчалик билан қурилган ҳамда сувларни ифлослантирувчи чиқиндиларни чиқарадиган иншоот ва қурилмалар (молхона, товуқхона, қўйхона, ҳожатхоналар ва оқава сувлар)ни талаб даражасига келтириш бўйича чоралар қўрилмоқда. Ободонлаштириш бош бошқармаси томонидан автомобиль ва пиедалар ўтишига мўлжалланган йўриқларини, транспорт тоннеллари, қайнама сувлар туби ва ўзанларини ҳар хил маиший чиқиндилардан тозалаш, қурилган ва сув оқимига тўқсинлик қилаётган дарахтларни кесиб ва шакл бериш ишлари амалга оширилмоқда.

Миллий урф-одатларимиздан келиб чиқиб канал ва ариқларнинг тозаланиши сақлашга, сувнинг қадрига етишга интилас, унинг ифлосланишига йўл қўймасак, ноқонуний иморатлар қуриб, хавф туғдирмасак мутасадди ташкилотлар томонидан амалга оширилаётган ишларнинг ижобий натижасига ўз ҳиссамизни қўшган бўлардик. Зеро, ушбу муқаддас заминда яшаётган ҳар бир инсон қонунга итоаткор бўлиш, аъналаримизга риоя қилиш орқали мавсуми беталафот ўтказиб олишда тегишли идора ва ташкилотлар билан тенг равишда масъулдир.

Шаҳнозахон
КУДРАТХУЖАЕВА

Тадбирлар

ОДАМ САВДОСИ — АСР ВАБОСИ

Дунё мамлакатларида одам савдосига қарши кураш масаласига ҳидий эътибор қаратилиб, бу тадбирга давлат идоралари, қолаверса, жамоат ташкилотлари, ўқув муассасалари, оммавий ахборот воситалари кенг жалб этилмоқда. Юртимизда ҳам бу борада кенг қамровли тушунтириш ишлари амалга оширилмоқда.

Ана шундай тадбирлардан бири Республика Маънавият тарғибот маркази Яккасарой туман бўлими томонидан «Асака банк»нинг Тошкент шахар филиалида ўтказилди. Маънавий-маърифий тадбир «Одам савдоси – аср вабоси» деб номланди.

Тадбирни ўтказишдан асосий мақсад «Одам савдосига қарши курашиш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунини тарғиб қилиш, аҳоли ўртасида одам савдосига қарши курашиш ишларини кучайтириш, ижтимоий муҳофазани таъминлаш, инсон ҳуқуқларининг поймол этилишига йўл қўймасликка эришишдан иборатдир.

Фуқаро Дилшод Эгамбердиев мебель маҳсулотлари ишлаб чиқарадиган оилавий цех ташкил қилди. Арзон ва сифатли, харидорбоп маҳсулотлар тайёрлаб, уларни сотиб ҳам элнинг, ҳам ўз оиласининг фаровонлигига ҳиссасини қўша бошлади.

Ножўя иш — келтирар ташвиш

АҚЛИ КЕЧ КИРДИ

Бу албатта яхши, бироқ тегишли тартибда давлат рўйхатидан ўтмаганлиги боис, унинг фаолияти ноқонуний ҳисобланади. Буни Дилшод яхши билсада, керакли ҳужжатларни кейинроқ расмийлаштирарман, деб хато ўйлаган эди. Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси ҳузуридаги Солиқ, валютасига оид жиноятлар ва жиноий даромадларни легаллаштиришга қарши курашиш департаментининг Миробод туман бўлими ходимлари иштирокида ўтказилган тадбирда Д. Эгамбердиевнинг, Учтепа тумани, Тонг кўчасида яширин цех ташкил қилганлиги аниқланиб, текширув давомида цехда мавжуд бўлган умумий қиймати 2 миллион 973 минг 100 сўмлик 58 турдаги 233 дона товар – моддий бойликлар далилий ашё сифатида олинган. Лекин, терговолди текширувлари давомида

унинг қилмишларидан чин кўнгилдан пушаймон эканлиги, ҳозирда Учтепа тумани давлат идораларидан тегишли тартибда рўйхатдан ўтиб «Дилшод мебель продукт» оилавий корхонасини ташкил қилганлиги, ўзига банк ҳисоб рақами очиб, янги корхонада 3 та янги ишчи ўрни яратганлиги тўғрисидаги аризага асосан, унга нисбатан Ўзбекистон Республикаси ЖПК сининг 84-моддаси, 5-қисми, 2-банди билан жиноят иши қўзғатишни рад этиш ҳақидаги қарор қабул қилинди.

Албатта, мана шундай ножўя ҳолатга тушиб қолмаслик учун мавжуд қонун-қоидаларга доимо амал қилиш керак.

Бекзод КОРАБОВЕВ,
Бош прокуратура ҳузуридаги СВОЖДЛКК Департаменти
Миробод туман бўлими бошлиғи



Ўзимга ёқадиган иш топа олмаётганим учун, вақтинча ишсизман. Эшитишимча, ишсизлик нафақаси тўланар экан. У қай тартибда ва қайларга тўланади?

А. Назаров,
Юнусобод тумани

«Аҳолини иш билан таъминлаш» тўғрисидаги қонуннинг 27-моддасига биноан ишсизлик нафақаси ишсиз деб эътироф этилган шахсларга тайинланади. Қаромоғида учтагача киши бўлган 35 ёшга тўлмаган ишсиз эркакларга ишсизлик нафақаси улар ҳақ тўланадиган жамоат ишларида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланган тартибда иштирок этган тақдирда тайинланади. Ишсизлик нафақаси уларга маҳаллий меҳнат органида рўйхатга олинган биринчи кундан бошлаб ёзилади ва тўланади.

Нафақа қўпи билан иш ва иш ҳақидан меҳнат даромадидан маҳрум бўлган ёки узок танаффусдан кейин меҳнат фаолиятини қайта бошлашга ҳаракат қилаётган шахсларга 12 ойлик давр мобайнида 26 календарь ҳафта, илгари ишламаган ва биринчи бор иш қидираётган шахсларга эса 12 ойлик давр мобайнида 13 календарь ҳафта тўланади. Ишсиз шахс нафақа олиш давомида иш қидириши ва 2 ҳафтада камида бир марта маҳаллий меҳнат органидан йўлламадан ўтиши керак. Мутахассислиги бўлмаган ва шунингдек 12 ой давомида ҳақ тўланадиган ишлардаги бандлиги 12 календарь ҳафтасидан кам бўлмаган шахсларга қонун ҳужжатларида белгиланган энг кам иш ҳақининг 75 фоизи миқдорда нафақа тўланади. Қаромоғида 16 ёшгача бўлган болалари ёки бошқа боқимандалари бўлган ишсиз шахсларнинг ишсизлик нафақаси боқимандаларнинг сонидан қатъий назар 10 фоизга оширилади.

Бўш иш ўринлари ярмаркасида ўзимга маъқул келган корхонага ишлаш учун йўлланма олдим. Бироқ бу корхонада синов мuddати асосида ишга олинар экан. Бундай мuddат қандай ҳолларда белгиланмайди?

Ш.Бозорова,
Сергели тумани

Аслида ҳар бир корхонада ходимлар малакасини аниқлаш учун белгиланган синов мuddати бўлади. Бироқ, ҳомиладор аёллар, уч ёшга тўлмаган боласи бор аёллар, корхона учун белгиланган минимал иш жойлари ҳисобидан ишга юборилган шахслар, олти ойгача бўлган мuddатга меҳнат шартномаси тузилган ходимлар ишга қабул қилинганда дастлабки синов белгиланмайди. Агар Меҳнат кодексининг 84-моддаси талаблари бузилиб, бундай шахсларга нисбатан дастлабки синов мuddати белгиланса, Меҳнат кодексининг 5-моддасига мувофиқ меҳнат шартномасининг дастлабки синов бўйича шартлари ҳақиқий эмас деб топилади, ходим эса синов мuddатисиз ишга қабул қилинган ҳисобланади.

Корхонамиз банкрот бўлгани учун энди у бошқа мулкдорга ўтди. У бизни ишдан четлаштириш қандай ҳолларда амалга оширилади?

Г. Абдуллаева,
Ҳамза тумани

Меҳнат кодексининг 113-моддасига асосан ходимни ишдан четлаштиришга, қонунда назарда тутилган ҳоллардан ташқари йўл қўйилмайди. Масалан, алкоғолли ичимликдан, гиёвандлик ёки токсик модда таъсиридан маст ҳолатида ишга келган ходим шу кун (сменада) ишга қўйилмайди. Ходим мажбурий тиббий кўрикдан ўтишдан бўйин товлаган ёки ўтказилган текширишлар натижалари бўйича тиббий комиссия тавсияларини бажармаган тақдирда, иш берувчи уни ишга қўймасликка ҳақлидир. Агарда ходим иш берувчининг айби билан гафийқонуний равишда ишдан четлаштирилганда ходимга етказилган зарарни Меҳнат кодексига назарда тутилган тартибда тўлаш мажбурияти иш берувчига юклатилади.

Турмуш ўртоғим ишдан уйга қайтаётганида автохалокатга учраб, тан жароҳати олди. Бу ишлаб чиқариш билан боғлиқ ҳолат деб ҳисобланадими?

С.Қосимова,
Мирзо Улугбек тумани

Меҳнат кодексининг 114-моддасига кўра, ходимнинг иш тартиби ёки жадвалига ёҳуд меҳнат шартномаси шартларига мувофиқ ўз меҳнат вазифаларини бажариши лозим бўлган вақт иш вақти ҳисобланади. Меҳнат кодексининг 189-моддасига мувофиқ ходимнинг иш берувчининг ҳудудида ҳам, унинг ташқарисидан ҳам меҳнатда майиб бўлиши, шунингдек, иш берувчи томонидан ажратилган транспортда иш жойига келаётган ёки ишдан қайтаётган вақтда шикастланиши натижасида етказилган зарар учун иш берувчи моддий жавобгар бўлади. Шунга кўра, иш берувчини моддий жавобгар деб эътироф этиш учун турмуш ўртоғининг қайси автомашинада автохалокатга учраганлиги ва ушбу халокат қиммининг айби билан содир бўлганлигини аниқлаш лозим.

Шаҳримиздаги йирик ишлаб чиқариш корхоналаридан бирида ишлайман. Баъзида тунги соат 21-22гача ишда қолиб кетамиз. Шундай ҳолат юз берганда, эртаси кун эрталаб ишда бўлишга мажбурмизми? Аслида тунги ва кечки вақтдаги иш учун ҳақ тўлаш тартиби қандай?

Б. Хайдаров,
Учтепа тумани

Йўқ, мумкин эмас. Меҳнат кодексининг 128-моддасига мувофиқ, ишнинг тугаши билан кейинги кунни (сменада) иш бошланиши ўртасидаги қўндалик дам олиш вақтининг мuddати ўн икки соатдан кам бўлиши мумкин эмас. Меҳнат кодексининг 158-моддасига асосан, тунги вақтдаги ишнинг ҳар бир соати учун камида бир ярим барабар миқдорда ҳақ тўланади. Жамоа шартномасида, агар у тузилмаган бўлса, қасаба уюшмаси қўмитаси ёки ходимларнинг бошқа вақиллик органи билан келишиб, кечки сменадаги иш учун оширилган миқдорда ҳақ тўлаш назарда тутилиши мумкин. Бевоқосида тунги сменада олдингиси кечки смена деб ҳисобланади.

Газетхонларнинг саволларига Халқаро ҳуқуқий ишлар бўйича адвокатлар ҳайъати адвокати Мақсуда ҲАКИМОВА жавоб берди.

Спорт янгиликлари

РЕЙТИНГДА КЎТАРИЛИШ

Халқаро футбол тарихи ва статистикаси федерацияси ташаббуси билан дунё клубларининг янги рейтинг жадвали эълон қилинди.

Эътиборли жиҳати шундаки, жорий йилги Осиё чемпионлар лигаси турнири гуруҳ баҳсларининг биринчи турида зафар кучган мамлакатимизнинг амалдаги чемпиони «Пахтакор» ҳамда Ўзбекистон Кубоги соҳиби «Бунёдор» жамоалари бу галги рейтингда жиддий кўтарилишга эришди. Айниқса, «Пахтакор» жамоасининг бу сафар оз эмас, кўп эмас, 60 поғона юқорилаганлигини таъкидлаш жоиз.

Шунингдек, «Бунёдор» ҳам рейтингда 15 поғона кўтарилди. Қизиги шундаки, бу сафар рейтингда карвонбошилиқни қўлдан бермай келаётган Испаниянинг «Барселона» жамоаси бешинчи поғонага тушиб кетиб, ўз ўрнини Англиянинг «Челси» клубига бўшатиб берди.

Рейтингда фахрли иккинчи, учинчи ўринларни Испаниянинг «Атлетико» ҳамда Германиянинг «Бавария» клублари эгаллаб туришибди.

Маълумки, 2015 йилда Австралияда футбол бўйича Осиё чемпионати мусобақалари бўлиб ўтади.

ЖАВОБ УЧРАШУВИ
ЎТКАЗИЛАДИ

Ушбу нуфузли турнирнинг саралаш баҳслари аллақачон бошлангандан барчанинг хабари бор. Саралаш турнирининг гуруҳ беллашувлари биринчи турида Миржалол Қосимов бош мураббийлигидаги Ўзбекистон миллий терма жамоаси Гонконг жамоаси билан Тошкентда куч синашган ва томонлар 0:0 ҳисобидаги дуранг натижани қайд этишган эди.

Энди 22 март кuni Абу Даби шаҳрида Бирлашган

Араб Амирликлари ва Ўзбекистон миллий терма жамоалари ўртасида Осиё чемпионатида саралаш турнирининг иккинчи тур учрашуви уштурулади.

Ушбу муҳим беллашуви хитойлик ҳакамлар бригадаси бошқарадиган бўлиши. Учрашувда ФИФА рефериси Тан Хаи бош ҳакамлик қилса, қанотларда унга ҳамюртлари — Хуо Веминг ҳамда Хан Вейлар ёрдам беришади.

ХИТОЙЛИКЛАР ЖАМОАСИ
«БУНЁДКОР» СТАДИОНИДА
ТЎП СУРАДИ

Футбол мухлисларига маълумки, 2 апрель кuni Тошкентда футбол бўйича Осиё чемпионлар лигаси турнирдан ўрин эгаллаган «Бунёдор» — «Бейжинг Гуоанг» (Хитой) жамоалари ўртасида учрашув бўлиб ўтади.

Яқинда Осиё футбол конфедерацияси мутасаддиларидан Ўзбекистон футбол федерацияси раҳбариятига расмий хат келди. Унда «Бунёдор» стадионининг ОФК томонидан халқаро турнирлари ўтказишга тайёр эканлиги таъкидланган.

Шу боис ҳам «Бунёдор» ва «Бейжинг Гуоанг» жамоалари баҳси «Бунёдор» стадионида бўлиб ўтади.

Акбар ЙЎЛДОШЕВ

Мамлакатимизда қизларни спортга жалб этиш борасида ўзига хос тизим шакллантирилди. Президентимиз Исом Каримов раҳнамолигида спортчи қизлар учун миллий менталитетимизга мос кийимлар ишлаб чиқарилмоқда, олий ва ўрта махсус таълим муассасаларида хотин-қиз мураббия ва ўқитувчиларни тайёрлашга кенг эътибор берилмоқда.



Муҳаммад Амин (ЎА) олган сурат

Болалар спорти

МУРАББИЯ

Андижонлик Зилола Маматалиева ҳам ана шундай эътибор самарасида мураббия бўлиб етишди. Ўқини битириб, ўзи туғилиб ўсган Қўрғонтепа туманида спорт тўғрагини ташкил этди.

Зилола олти ёшидан ушунинг гимнастика йўналиши — таолу билан шуғулланди. Устози Раҳимжон Жаббаров мураббийлигида уч карра Ўзбекистон чемпион ва кубоги соҳибаси бўлди.

— Илгари спорт бўйича аёл мураббиялар кам эди, — дейди З.Маматалиева. — Мен ҳам ушу тўғрагида ўнлаб ўғил болалар орасида бир ўзим шуғулланардим. Дугоналаримни ҳам спорт тўғрагига қатнашишга таклиф қилсам, мураббий эркак киши бўлгани учун ота-онаси рухсат бермаслигини айтарди. Шунда ўз олдимга келажакда мураббия бўлишни мақсад қилиб қўйдим.

Бугун Қўрғонтепа туманида Зилола Маматалиева тўғрагини ҳамма яхши билади. Ота-оналар фарзандлари ўзлари машғулотга олиб келади.

Тўғракака болалар уч-тўрт ёшдан қабул қилинади. Чунки айни шу даврда ҳар бир боланинг характери шакллана бошлайди. Кичик ёшдан жисмоний машқларда тобланган болалар жисмонан соғлом, руҳан тетик бўлиб камолга етади, спорт бир умрлик ҳамроҳи бўлиб қолади.

З.Маматалиева машғуллотларга кўпроқ қизларни жалб этишга ҳаракат қилади. Ўтган ойда у яна беш нафар қизни ўз шогирдлари сафига қўшди. Ҳозир бу ерда ўттиздан зиёд қизлар спорт билан мунтазам шуғулланаётир.

Қизларининг спорт билан шуғулланиши уларнинг нафақат саломатлигида, балки қадди-қомати тўғри шаклланишида, юрштиришида, маънавий ва ахлоқий дунёқараши ривожланишида муҳим аҳамият касб этишини ота-оналар ҳам тобора чуқурроқ тушуниб етмоқда.

— Қизим Рухшода устози Зилолахонови жуда яхши кўради, — дейди қўрғонтепалик Ирода Мирзаева. — Машғуллотларга доим катта иштиёқ билан қатнашади. Спорт билан шуғулланиб ётганидан бери саломатлиги янада мустаҳкамланди. Ўз устиди ишлашни, вақтини мазмунли ўтказишни ўрганди.

Зилола шогирдларида спортга меҳр уйғотишга, уларни ўз устиди ишлашга ўргатишга алоҳида эътибор қаратади. Тартиб-интизом ва озодалликка риоя этишни талаб қилади. Машғуллотлар ҳафтасига тўрт маротаба ташкил этилади. Ҳар шанба кuni тарбиявий соат ўтказилади. Чунки малакали спортчи тайёрлашда маънавий-руҳий тарбия муҳим ўрин тутати.

Зоҳир ТОШХЎЖАЕВ,
ЎЗА мухбири

Келажаги буюк давлатимизнинг пойдевори ҳисобланмиш фарзандларимизнинг маънан етуқ, баркамол шахс бўлиб вояга етишларини таъминлаш бугунги куннинг долзарб вазифаси эканлиги сир эмас.

Мурувват

ХАЙРЛИ ИШЛАР САМАРА БЕРАДИ

Мамлакатимиз ёшларининг тарбияси муҳим масала эканлиги кундек равшан. Шу боис ҳам уларга таълим бериш, касб-хунар ўрганишларига имкон яратиш мақсадида мамлакатимиз раҳбарияти томонидан муҳим ислохотлар амалга оширилмоқда.

Бу борада 2002 йилдан ўз фаолиятини бошлаган «Сен ёлғиз эмассан» республика болалар жамоатчилиги жамғармасининг фаолияти таҳсинга сазовор. Эътиборлиси, юртимиздаги Меҳрибонлик уйларида ёрдам бериш, уларни таъмирлаш, Меҳрибонлик уйлари тарбияланувчилари, кам таъминланган оилалар фарзандларига таълим бериш, уларга касб-хунар сирларини ўрганишларига имкон яратиш, олий ўқув юртига тайёрлаш ҳамда соғлиқларини тиклашларига қўмак бериш мақсадида ташкил этилган мазкур жамғарма қошида ўқув маркази тузилганлиги жорий йилда ўн йил бўлади. Ҳозирги кунда жамғарма қошидаги ўқув марказида 200 нафардан ортиқ Меҳрибонлик уйлари тарбияланувчилари, кам таъминланган оилалар фарзандларига турли фанлардан сабоқ берилмоқда. Албатта ёшларнинг фанларни чуқур

ўзлаштиришлари, касб-хунар ўрганишларида малакали мураббий ва ўқитувчиларнинг хизматлари катта бўлмоқда. Дарвоқе, марказда таълим самардорлиги ва сифатини ошириш мақсадида барча шарт-шароитларнинг яратилганлигини таъкидлаш лозим. Ҳар бир фандан ўқувчиларга замонавий педагогик жиҳозлар ёрдамида интерфаол усулда таълим берилмоқда. Марказ замонавий ахборот ва компьютер технологиялари билан тўлиқ таъминланган.

Хулоса ўрнида шуни айтиш лозимки, «Сен ёлғиз эмассан» республика болалар жамоатчилиги жамғармасининг бу каби хайрли саъй-ҳаракатлари туфайли меҳрга муҳтож, ширин сўзга ташна Меҳрибонлик уйлари тарбияланувчилари, кам таъминланган оилалар фарзандлари билим эгаллайдилар, бирор-бир касб-хунарининг эгасига айландилар. Муҳими келажакда бу ёшлар ҳаётида ўз йўлларини топиб оладилар. Бу ижтимоий ҳимоя соҳасида олиб борилаётган ислохотларнинг ҳам самарасидир, албатта.

Анвар ЙЎЛЧИЕВ

РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР

Тошкент шаҳри Олмазор туманидаги политехника касб-хунар коллежи томонидан 2011 йил 3 июлда Мир-Аминов Улугбек Мансуржон ўғли номига берилган 1157 рўйхат рақамли, К№1857047 сонли диплом йўқолганлиги сабабли

БЕКОР ҚИЛИНАДИ

Тошкент шаҳар, Яқкасарой тумани, Усмон Носир кўчаси, 91-уй манзили бўйича рўйхатдан ўтган «Status Leader» МЧЖ устав фондини 30 000 000 (ўттиз миллион) сўмга қисқартирилганини маълум қилади. Давволар эълон чоп этилган кундан бошлаб бир ой давомида 809-32-84 телефони бўйича қабул қилинади.

«ТОШКЕНТ ОҚШОМИ»
ВА «ВЕЧЕРНИЙ
ТАШКЕНТ»

Эълонлар шанба ва якшанбадан ташқари ҳар кuni соат 9.00 дан 16.00 гача қабул қилинади. Маълумотлар учун телефон: 233-28-95. Факс: (371) 233-21-56. Манзили-миз: Матбуотчилар кўчаси, 32-уй, 2-қават, 223-хона.

ТОШКЕНТ ОҚШОМИ

МУАССИС: ТОШКЕНТ ШАҲАР
ҲОКИМИЛИГИ

Манзилимиз: 100029,
Тошкент шаҳри,
Матбуотчилар кўчаси, 32



Бизнинг электрон манзил:
vto2007@mail.uz
Буюртма Г- 341

ТЕЛЕФОНЛАР:
Эълонлар: 233-28-95,
236-57-65, факс: (371) 232-11-39

Душанба, сешанба, chorshanba,
якшанба ва жума кунлари чиқади
Навр кўрсаткичи — 563

2007 йил 19 январда Тошкент шаҳар
Матбуот ва ахборот бошқармасида
02-1-рақам билан рўйхатга олинган

Ҳажми — 2 босма табоқ, офсет усулида босилади.
14221 нусxada босилди.
Қоғоз бичими А-2

Топшириш вақти: 13.00

Нашри етказиб бериш масалалари бўйича турар жойлардаги почта бўлимларига ёки «Тошкент почтамати»га — 233-74-05 телефонига мурожаат қилишингиз мумкин.

Газета таҳририят компьютер марказида терилди ва саҳифаланди.

Навр учун масъул
Д. Исроил

Босишга топширилди: 14.00

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик
компанияси босмахонаси. Корхона
манзили: Буюк Турон кўчаси, 41-уй

Бош муҳаррир
Акмал АҚРОМОВ

ОЗ-ОЗ ЎРГАНИБ
ДОМО БИГУРМАШРИҚЗАМИН —
ҲИКМАТ БҮСТОНИ

Албатта, ўз даражангни билганинг яхши. Фақат кибру ҳавога берилмаслик керак.

Илмию истеъдоди бўла туриб ҳеч нарсасига эришмаган киши ҳасадгўйга айланади.

Одам боласи нимани орзу қилаётганини билиши керак.

Одам танимаган ўзини ҳам билмайди.

Хатолар ҳам оқилни тарбиялайди.

Оила муҳити — ҳал қилувчи мактаб.

Одам боласининг феъл-атвори ҳар бир сўзи, ҳар бир хатти-ҳаракатида намоён бўлиб боради.

Одамлар бугун гапиради, эртага унутади.

Бурчдан оғир мажбурият йўқ.

Миннат юки тоғдан оғир.

Ҳақиқатга тиши ўтмаган ёлғон тўқийди.

Ҳақиқат — масъулият, ёлғон — таскин.

Инсон табиятида манфаат туйғуси каби миннат туйғуси ҳам кучли.

Ҳар бир киши вақти-вақти билан ўзини тафтиш қилиб, таҳлилдан ўтказиб туриши керак.

Очик эшик меҳмонсиз бўлмас.

Бу дунёда кишига ўз меҳнати самараларидан ортиқ қувонч ва таскин йўқ.

Қийинчилик кишини сабру қаноатга ўргатади.

Бу дунёда яхшиликка интилиб яшаш керак.

Ўзига ишонган кўп нарса ютади.

(Давоми бор)

Эргаш ОЧИЛОВ тайёрлаган

ЎЗГИДРОМЕТ
ХАБАР ҚИЛАДИ

Ўзгидрометнинг мониторинг хизмати маълумотига кўра, 14 мартда Тошкент шаҳри об ҳаво шароити шаҳар ҳаво муҳитида зарарли моддаларнинг бир оз йиғилишига имконият яратди. Атмосферанинг ифлосланиши даражаси 1-3 фазл кўпайиши тахмин қилинмоқда, тағмиқдори паст бўлади.